Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O'zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

adolat_sdp@doda.uz ● www. adolat.uz ● № 32 (837) ● 2011 йил, 29 июль, жума

## Муҳим масала муҳокамаси

**Ижроия қўмита йиғилиши**

**Ўз мухбиримиз.**

Кеча Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Ижроия қўмита аъзолари, партия Марказий аппарати ходимлари ва партия фаоллари қатнашган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёевнинг "Демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш борасида ҳукумат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар дастури, шунингдек, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури ижросининг бориши тўғрисида"ги ҳисоботи ҳақида"ги 2011 йил 15 июль қўшма қароридан келиб чиқиб, Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида иштирокини кучайтириш тўғрисидаги масала муҳокама қилиниб, партиянинг 2011 йилнинг 2-ярим йиллиги учун мўлжалланган иш режаси тасдиқланди. Ижроия қўмита йиғилиши тафсилотлари хусусида газетамизнинг навбатдаги сонида тўлиқ танишасиз!



## Таъзим!

### 6 миллион 800 минг тоннага яқин ғалла хирмони — фидокорона меҳнат самараси бу!

**Бағишлов**

**Номоз САЪДУЛЛАЕВ.**

Ёз. Чилла жазирамаси. Уфқларга туташ тоғларнинг ён бағирлари, қирлар, ўнгирлар, лалми экин майдонлари-ю суғориладиган ерларда ғалла пайкаллари... Йирик-йирик олтин ранг бошоқлар гўё таъзим билан ерга эгилган. Тўқ, қизғиш буғдой доналари бошоғидан сирғалиб чиқиб, пастга томчилаб тургандек...

Ғаллакор кўзида севинч, қалбида ҳаяжон ва каттакон, забардаст деҳқонча кафтида титроқ... Назидмда, бу қувонч, бу титроқ эрта кўкламнинг уйқусиз тунларига, ҳаво очилишини зориқиб кутишларига, улкан дон хирмони кўйида елиб-югурган серташвиш дамларига ишора! Хаёлида эса чайқалиб турган бўлиқ бошоқлар замиридаги Катта нон тасаввури...

Эсланг, 1991 йилнинг охири 1992 йилнинг боши. Собиқ иттифоқ парчаланган. Республикамизда кўп нарсаларда узилиш бўлган пайт. Айниқса, дон ва дон маҳсулотлари етишмовчилиги... **«Жуда оғир аҳволга тушиб, накд очарчилик остонасида турибмиз**, — деб эл-юртга очиқ айтди давлатимиз раҳбари ўша кездаги Олий Кенгашнинг Х сессиясида (1992 йил, июнь). **— Халқимизни, иқтисодиётимизни таъминлаш масаласида жуда катта хавф туғилди»**.

Иқтисодчиларимиз йиллик эҳтиёжимизни ҳисоблаб, 6 миллион тонна ғалла керак, дейишди. Лекин олдимизда уни қаердан, қайси маблағга, қанчага олиб келиш муаммоси турарди.

Мамлакатимиз бўйлаб дон мустақиллигига эришиш шиори ўртага ташланди. **«Республика бўйича 40 центнердан ғалла олиш — бу қўлимиздан келадиган вазифа, — деган ғоя билан чиқди Президентимиз. — Ахир, қачонгача олтинимиз, пахтамиз эвазига четдан ғалла олиб келамиз..?»**.

Кураш бошланди. 1994 йилда 2,7 миллион тонна ёки 1991 йилдагидан 44 фоиз кўп дон жамғарилди. 1995 йилда барча турдаги хўжаликларда 4,4 миллион тоннадан ортиқ (шу жумладан, 3,5 миллион тоннадан ортиқ бошоқли) дон йиғиштириб олинди. Ўша йили пахта ва ем-хашак экинларидан бўшатиб олинган ерлардан фойдаланиш ҳисобига дон сепилган майдонлар ҳажми 1 миллион 472 минг гектарга етказилди...

Давоми 3-бетда »

### Юрт учун дахлдорлик туйғуси энг эзгу мақсад

*— Мен Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси аъзосиман, — дейди Қобилжон Сагатов. — Ўтган йиллар давомида партиямиз дастурий мақсад ва ғоялари тарғиботига бағишланган барча тадбирларда мунтазам иштирок этиб келаман. Сабаби, аввалambор, социал-демократия мафкураси узоқ ва бой тарихга эга. Иккинчидан, сиёсий нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон халқининг тафаккури, онги-шуури, удумлари, орзу-умидлари кўпроқ социал-демократия мафкурасига мос келади. Қолаверса, социал-демократия илгари сураётган асосий тамойил — Ижтимоий адолат ғоялари миллий ғоямиз мақсад ва манфаатларига ҳамоҳанг.*

2-бет

### Ҳисоботлар тизимидаги янгилик

*Эътиборли жиҳати, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларга дастлабки амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида туман ҳокимиятида «Ягона ойна (дарча) маркази» тарзида «Тадбиркорлик уйи» ташкил этилди. Бу ерда хокимият, солиқ, банк, ёнғин хавфсизлиги, кадастр, архитектура, электрэнергия ва бошқа соҳа вакиллари билан ҳамкорликда тадбиркорлик субъектлари вакилларига ҳуқуқий маслаҳатлар ва амалий кўмак бериб борилаяпти.*

3-бет

### Қалтис йўл

*Роғун ГЭСи ер қўчкилари тез-тез содир бўлиб турадиган ва сейсмик жиҳатдан ўта хавфли зонада жойлашган. Бундан ҳам ёмони Роғун тўғони остида тош тузига тўлган Ёнахш тектоник ёриғи мавжудлигини эддан чиқармаслик лозим. Шу ўринда кейинги 10 йил мобайнида ер ости силкинишларининг 30 фоизга фаоллашганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Ваҳоланки, замонавий технология билан жиҳозланган ва хавфсизлиги жиҳатидан нодир деб кўкларга кўтарилган Саян-Шушенск ГЭСининг қандай хунук оқибатлар келтириб чиқарганига бугун ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.*

4-бет



## Кредит ахбороти алмашинуви

### уни такомиллаштириш, ривожлантириш аҳолига ва кичик бизнес субъектларига кредит ажратилишидаги вақтни қисқартириб, тадбиркорлик рискларини камайтиради, кредитлаш ҳажмини оширади

**Фракция йиғилиши**

**Фарҳод ЭСОНОВ,** "Adolat" мухбири.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Депутатлар, партия фаоллари, тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этган йиғилишда бир нечта қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Давоми 2-бетда »

## Баркамол авлод тарбияси

### умуммиллий, умумдавлат миқёсидаги вазифа

**Нуқтаи назар**

**Абдували САЙБНАЗАРОВ.**

Кўҳна тарих тажрибаси эл-юртига, ватанига садоқатли, иймон-эътиқоди бутун, мард ва жасур, маънавияти юксак фарзандлар жамиятнинг чинакам бойлиги эканлигидан далолат беради. Ана шундай ноёб фазилатларга эга авлодни тарбиялаб, вояга етказаётган халқ келажаги порлоқ бўлишига шубҳа йўқ.

Айниқса, глобаллашув деб аталмиш шиддатли жараёнлар кечаётган, поёни кўринмаётган иқтисодий ва молиявий инқироз давом этаётган, атрофимизда хавфли можаролар рўй бериб, «ёт маданиятлар экспансия»си бўй кўрсатиб турган бир пайтда маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказиш масаласи умуммиллий, умумдавлат миқёсидаги вазифа бўлиб қолаётганини яна бир марта таъкидлаб ўтиш ўринли бўларди.

Баркамол авлод тарбиясига кеча ёки бугун эътибор қаратилаётгани йўқ. Айни масала мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Юртбошимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг маъно-мазмунига айланган, десак янглишмаган бўламиз. Ўзбекистонда ёш авлод тарбиясига бунчалик улкан аҳамият ва эътибор берилаётгани, Президентимизнинг ҳар бир нутқи, ҳар бир маърузасида ёшлар мавзуси тилга олинаётганининг сабаби нимада, деган саволлар жавоби албатта, эртанги кун эгаларини қизиқтириши табиий.

Жавоб оддий. Ватанимиз олдида турган энг эзгу мақсадлар — мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам — буларнинг барча-барчаси, аввалambор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган ёшларнинг қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир.



Давоми 3-бетда »

# Кредит ахбороти алмашинуви

**уни такомиллаштириш, ривожлантириш аҳолига ва кичик бизнес субъектларига кредит ажратилишидаги вақтни қисқартириб, тадбиркорлик рискларини камайтиради, кредитлаш ҳажмини оширади**

« Давоми. Боши 1-бетда





Дастлаб, темир йўл транспорти объектларида хавфсизликни таъминлашнинг миллий тизимини янада такомиллаштириш, инсонларнинг ҳаёти ва соғлигига, жамият хавфсизлиги ва барқарорлигига хавф соладиган фавқулодда вазиятлар пайдо бўлишининг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқилган «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига темир йўл ташишлари хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси қизғин муҳокама қилинди.

Ушбу масала юзасидан парламент қуйи палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси А.Содиқовнинг маърузаси тингланди. Шундан сўнг депутатлар партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, ўз таклиф ва тавсияларини билдирган ҳолда қонун лойиҳасини учинчи ўқишда маъқуллашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси давлат ва жамият ҳаётини янада демократлаштириш ва ривожлантириш соҳасида ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга бўлган дастуриламал ҳужжат ҳисобланади. Мазкур Концепция мамлакатимиз тараққиётига хизмат қиладиган 40 дан ортиқ муҳим қонунларнинг қабул қилинишини белгилаб берди. Қисқа вақт мобайнида бу қонунлар бирин-кетин ишлаб чиқилиб, қабул қилинмоқда. Шубҳасиз, мазкур қонунларнинг қабул қилиниши ва амалиётда кенг қўлланилиши ўз мазмун моҳияти билан мамлакатимизда ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва демократлаштиришнинг янги босқичини бошлаб бермоқда. Концепцияда таклиф этилган ана шундай қонунлардан бири эркин бозор иқтисодиёти муносабатларини янада ривожлантиришга қаратилган "Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида"ги қонун лойиҳасидир.

Мажлисда мазкур қонун лойиҳаси биринчи ўқишда фракция аъзолари муҳокамасига киритилди.

— Қонун лойиҳасининг амалиётга татбиқ этилиши кредит ахбороти алмашинуви соҳасидаги муносабатларни тартибга солади, — деди қуйи палатанинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси Қ.Тошматов. — Шунингдек, кредит ахбороти алмашинувининг таъсирчан тизимини яратиш билан боғлиқ масалаларни, потенциал қарздорларнинг кредитлари ҳолати, улар бўйича мажбуриятларни бажариш ҳамда тўловга қобилиятлилиги, молиявий ҳолати, ишончлилик, обрў-эътибори ва бошқа хусусиятларини ўз ичига олувчи тўлиқ ва аниқ маълумотларни тақдим этиш масалаларини белгилаб беради.

Таъкидланганидек, кредит ахбороти алмашинуви бевосита махсус ташкил этиладиган институт — кредит бюролари томонидан амалга оширилиши ва таъминланиши қонун лойиҳасида ўз аксини топган бўлиб, кредит бюроларининг фаолиятини эса лицензиялаш назарда тутилмоқда.

Муҳокамалар асносида фракция аъзолари ўз таклиф-мулоҳазаларини билдиришди.

— Кредит ахбороти алмашинуви тизимининг такомиллашуви кредитор ва қарздор орасидаги ахборот бўшлиғини тўлдиради, — деди фракция аъзоси Қ.Жўраев. — Аҳамиятли яна бир жиҳати шундаки, аҳолига ва кичик бизнес субъектларига кредит ажратилишидаги вақтни қисқартириб, тадбиркорлик рискларини камайтиради, кредитлаш ҳажмини оширади. Бу ўз навбатида тадбиркорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Концепцияда таклиф этилган қонунлардан яна бири — "Рақобат тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам фракция аъзолари томонидан муҳокама қилинди.

Мазкур қонун лойиҳасида хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти учун тенг шарт-шароитлар яратилиши назарда тутилган. Шунингдек, товарларнинг эркин ҳаракати ва иқтисодий фаолият эркинлигини таъминлаш ҳамда товар ва молия бозорларида рақобатни ҳимоя қилиш назарда тутилган.

Айтиш жоизки, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қизғин муҳокама қилинди. Муҳокама жараёнида сўз олган депутатлар қонун лойиҳасининг янада такомиллашувига хизмат қилувчи таклиф ва тавфсияларини бериш билан бирга, мазмун-моҳияти хусусида ҳам ўзаро фикр алмашди.

— Қонун лойиҳасининг амалиётга татбиқ этилиши, — деди фракция аъзоси З.Ботирова, — аввало, рақобат соҳасидаги муносабатларни тартибга солади. Уларнинг очиқ-ошкоралиги ва самарадорлигини оширади. Энг асосийларидан яна бири монополияни тартибга солиш соҳасидаги қарама-қаршиликларни бартараф этишга хизмат қилади. Бу ўз навбатида тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун тенг шарт-шароитларни, иқтисодий фаолиятнинг эркинлигини таъминлайди. Шу ўринда айтиш жоизки, адолатлилик ғояси, барчанинг қонун олдида тенглиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш "Адолат" партиясидан сайланган депутатлар қонунчилик фаолиятининг асосий ва бош йўналишларидан бири. Қолаверса, бу партиямиз сайловолди дастуридан ҳам ўрин олган. Шу нуқтаи назардан ушбу қонун лойиҳаси партиямиз мақсад ва вазифаларига тўла мос келади.

"Микромолиялаш соҳасининг янада такомиллаштирилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам Концепцияда илгари сурилган қонунлардан биридир.

Мазкур масала юзасидан сўзга чиққан қуйи палатанинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси А.Юсуповнинг таъкидлашича, микромолиялаш соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини банк назорати бўйича 2010 йилда қабул қилинган Базель қўмитасининг янги талаблари асосида назорат қилишни жорий этиш ҳамда кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари тизимини ривожлантиришни таъминлаш қонун лойиҳасининг асосий мақсади ҳисобланади. Шунингдек, қонун лойиҳасида қатор амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши ҳам назарда тутилган. Хусусан, "Кредит уюшмалари тўғрисида"ги, "Микромолиялаш тўғрисида"ги, "Микрокредит ташкилотлари тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"-ги Қонунлар шулар жумласидан.

Шунингдек, фракция йиғилишида қатор қонун лойиҳалари ва бошқа масалалар муҳокама қилинди. Муҳокама этилган қонун лойиҳалари депутатлар томонидан маъқулланди.

Кўрилган масалалар юзасидан фракция нуқтаи назари белгилаб олинди.

## "Адолат" СДП: ташаббус ва тадбирлар

### Огоҳлик — давр талаби

**Ўзбекистон «Адолат» СДП**
Тошкент шаҳар Кенгаши
матбуот хизмати.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Олмазор тумани кенгаши ташаббуси билан Олмазор туманида жойлашган «Гузарбоши» маҳалласида Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан «Огоҳлик — давр талаби» мавзуида давра суҳбати ташкил этилди. Тадбирда партия аъзолари ва фаоллари, маҳаллада истиқомат қилувчи аҳоли вакиллари қатнашди.

Қайд этилганидек, бугунги кунда юртимизда бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат, ўн бешта диний конфессия вакиллари ягона оила фарзандларидек яшаб, меҳнат қилмоқдалар. Бунда, албатта, заминимизда истиқомат қилаётган барча миллат вакилларининг анъана ва урф-одатлари, қадриятларини сақлаш, янада ривожлантириш учун барча зарур шарт-шароит ва имкониятларнинг яратилгани ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Юртимизда қарор топган тинчлик ва осойишталик, ҳамжиҳатлик ҳаётимиздаги фаровонлик ва барқарорликнинг муҳим омили бўлаётир.

Буни алоҳида эътироф этган мазкур тадбир иштирокчилари мамлакатимизда эътиқод эркинлиги ва диний бағрикенгликни таъминлаш муҳтарам Юртбошимиз раҳбарлигида юритилаётган сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда эътиқод эркинлиги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида алоҳида белгилаб қўйилган. Ушбу ҳужжатлар юртимизда ислом дини қаторида бошқа дин вакилларининг эътиқод амалларини эмин-эркин бажаришида мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Давра суҳбатида диний эътиқод билан илм бир-бирини инкор этмаслиги, аксинча, илмсизлик маънавий қашшоқликка олиб келиши таъкидланди.

Тарихда турли миллат ва дин вакилларининг асрлар давомида бир оиладек яшаганини тасдиқловчи мисоллар кўп. Азалдан турли дин, маданият ва цивилизациялар ҳамкорлигининг маркази бўлган Ўзбекистон бунинг ёрқин далилидир. Айниқса, истиқлол йилларида мамлакатимизда истиқомат қиладиган турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги тотувлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик янада мустаҳкамланди. Шу маънода, юртимизда қарор топган тинчлик ва осойишталик, турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳити мустақиллик берган бебаҳо бойлигимиздир.

Қолаверса, тадбирда қайд этилганидек, Ўзбекистон «Адолат» СДП Низоми ҳамда Сайловолди дастурида ҳам бағрикенглик асосида қарор топган миллатлараро ва динлараро муносабатларни бундан кейин ҳам асраб-авайлаш, уларнинг уйғун равишда ривожланишига кўмаклашиш нияти ўз ифодасини топган.

— Қайд этиш жоизки, юрт тинчлиги ва осойишталигини сақлаш ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Бу ҳар биримиздан огоҳ ва ҳушёр бўлишни талаб этади. Шундай экан, огоҳ ва ҳушёр бўлган киши, ўз уйи, маҳалласи ва Ватанини асраган бўлади, — деди Ўзбекистон «Адолат» СДП Олмазор тумани кенгаши раисининг ўринбосари Муаззам Алибоева.

Давра суҳбатида иштирок этган маҳалла аҳли ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

### «Ёш адолатчилар»

**ҳар соҳада фаол бўлиш лозим — дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП Бухоро вилояти Кенгашининг «Ёш адолатчилар» қаноти раиси Ферузжон ҲАМИДОВ**

**Ўзбекистон «Адолат» СДП**
Бухоро вилояти Кенгаши
матбуот хизмати.

Айтиш жоизки, партия қошида ташкил этилган «Ёш адолатчилар» қаноти партиянинг энг фаол, жонкуяр ва фидокор қисми бўлиш билан бирга, сиёсий партиянинг эртаси ва келажакдаги захираси ҳам саналади. Айни пайтда Ўзбекистон «Адолат» СДП Бухоро вилояти Кенгаши таркибида фаолият юритаётган «Ёш адолатчилар» ана шу тамойил асосида фаолият юритмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан «Ёш адолатчилар» ташаббуси сабаб вилоятдаги олий ўқув юртлари ва кўпгина мактабу коллежларда банк ходимлари, тадбиркорлар иштирокида кенгайтирилган тадбирлар, давра суҳбатлари бўлиб ўтди. Бундан ташқари уларнинг ҳаракати билан жойларда ўтказилаётган семинар-тренинг, анжуманлар ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятни оширишда уларнинг маънан етук, замонамиз талабларига ҳар жиҳатдан жавоб бера оладиган инсон сифатида шаклланишларида муҳим омил бўляпти.

«Ёш адолатчилар» кенгаши раиси Ферузжон Ҳамидов сайланганига унча кўп бўлмаган эсада, ёшлар билан ишлашда анчагина қобилиятли эканлигини кўрсата олди. Ғиждувон, Коғон, Қоровулбозор, Пешкў, Шофиркон, Ромитан туманлари ва Бухоро шаҳрида ўтказилган «Ёш тадбиркор — элга мададкор», «Концепцияни ўрганамиз», «Одам савдоси — олам ғавғоси», «Гиёҳвандлик — аср вабоси», «Касбим — фахрим», «Ёшлар ҳуқуқи», «Миссионерлар макрига учманг!», «Соғлиқ — энг катта бойлик», «Биз мустақиллик фарзандимиз» сингари маданий-маърифий, ижтимоий ва экологик тадбирлар, давра суҳбатлари вилоят ёшларининг маърифий-маънавий, сиёсий-ҳуқуқий тафаккурини ривожлантириш, ёшларни мамлакатда кечаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислоҳотларга кенг жалб қилиш, халқига садоқат руҳида тарбия топишларида ёрдам бераяпти.

— Захирамизда турган ёшлардан Бухоро Тиббиёт институти талабаси Феруз Ҳамидовга «Ёш адолатчилар»ни ишониб топширдик, — дейди партиянинг вилоят Кенгаши раис ўринбосари Р.Давронов. — Чунки Феруз бизнинг ёшлар билан ўтказаётган барча тадбирларимизда фаол иштирок этади, партиямиз ишига қизиқади, «Адолат» СДП Низоми ва сайловолди дастури билан яқиндан таниш.

Дарвоқе, Бухоро тиббиёт институтининг аълочи талабаларидан бири Ф.Ҳамидов яқинда Москва шаҳрида ўтказилган ёш олимларнинг 6-Халқаро конференциясида ўз маърузаси билан чиқиш қилди. Унинг маърузаси жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган катта олимларни бефарқ қолдирмади. Феруз Москвадан махсус сертификат билан қайтди, унинг маърузаси эса конференция ташкилотчилари томонидан Россияда чоп этилган китобга киритилди.

— Биз «Ёш адолатчилар» кенгаши фаоллари, — дейди Ф.Ҳамидов, — айни пайтда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимларида талабаларни ўқитиш сифатини ошириш, тиббий хизмат кўрсатиш тизимида ёшларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, истеъдодли ёшларнинг илмий салоҳиятини ошириш, битирувчиларнинг ўз ихтисосликлари бўйича иш билан таъминлашлари борасида Бухоро тиббиёт институти, Афшона ва Ғиждувондаги тиббиёт коллежлари, Бухоро солиқ коллежи, Ромитан саноат касб-ҳунар коллежи билан ҳамкорликда талай ишларни бажардик. Эндиликда бу ҳамкорлигимиз натижасини кўриб қувонаяпмиз. Бинобарин, «Ёш адолатчилар» ҳар соҳада фаол бўлишлари лозим.

Мухтасар айтганда, «Ёш адолатчилар» сафини фаол, юртимизда кечаётган барча ислоҳотлардан хабардор, билимли ёшлар ҳисобига тўлдириш, вилоят партия ташкилотининг бирламчи вазифаларидан бири бўлиб келмоқда. Бу эса вилоят партия Кенгашининг эртанги куни порлоқ эканлигига ишонч уйғотади.

# Юрт учун дахлдорлик туйғуси энг эзгу мақсад

Партия турмуши

**Нурбек АБДУХАЛИЛОВ,**
«Adolat» мухбири.

Мустақиллик йилларида давлат ва жамиятнинг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида эришаётган марра ва ютуқларимиз, энг аввало миллий давлатчилигимизни мустаҳкамлаш, жамият ҳаётини демократик анъана ва қадриятлар билан янада бойитиб бориш орқали халқимизга муносиб турмуш даражасини яратиш ва эртанги кунга катта умидлар билан қадам қўйиш имконини бермоқда. Жамиятни янада демократлаштириш, бошқарувни янгилаш жараёнларига дахлдор масалалар ҳам изчил ва босқичма-босқич ўтказилаётгани давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда аҳоли турли қатламларининг орзу, мақсад ва манфаатларини ифодалашда сиёсий партиялар ҳам муҳим ўрин тутади.

Хусусан, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси бугун мамлакатимиздаги рақобатдош сиёсий кучлардан бири сифатида ўзининг ижтимоий-сиёсий идеалини, яъни, ўз ғоя ва танлаган йўлини — иқтисодиётга йўналтирилган демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, маънавий жипслашган жамиятни шакллантиришдаги ўрни ва роли орқали ифода этмоқда.

Зеро, унинг асосий тамойиллари, яъни асосий шиори **Эркинлик, Адолатлилик, Бирдамлик** жаҳон социал-демократик ҳаракатининг энг муҳим қадриятлари билан ҳамоҳангдир.

Президентимизнинг Мустақилликни мустаҳкамлаш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш биз учун ҳамиша биринчи даражали устувор мақсад ва вазифа бўлиб қолаверади, дея айтган сўзлари «Адолат» СДПнинг стратегик мақсад ва яқин келажакка мўлжалланган вазифаларини белгилаб олиш ҳамда уларни концептуал жиҳатдан асослашда катта роль ўйнамоқда. У ўзини анъанавий социал-демократиянинг ижтимоий адолат тамойили ва кенг кўламли ижтимоий дастурларнинг амалга оширилишини таъминлай оладиган кучли давлат ғояларини қўллаб-қувватлашга қодир куч сифатида майдонга чиқди. Аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилаш, хайрли юмушларга йўналтирилган аниқ саъй-ҳаракатларга муносиб ҳисса қўшишни асосий вазифаларидан этиб белгилади.

Бозор шароитларига мослашиши қийинроқ кечаётган ва турли сабабларга кўра муқим иш жойи ҳамда барқарор даромад манбаига эга бўлмаган, кам таъминланган оилалар, қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи фуқароларнинг манфаатларини астойдил ҳимоя қилиш ҳам эътибордаги вазифалардан ҳисобланади.

Партия илгари сураётган ғоялар қамровидаги энг хайрли, энг эзгу мақсадлар — иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор стратегик йўналишлари, жумладан, Ўзбекистоннинг ўзига хос демографик хусусиятлари, бандлик, аҳоли даромадларини кўпайтириш, иқтисодиётнинг инновацион турларини ташкил этиш, соҳаларни таркибий қайта қуриш, модернизациялаш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан замонавий жиҳозлаш, узоқ муддатга мўлжалланган ишчанлик, ташаббускорлик фаолиятини мамлакатимизнинг муҳим миллий бойлиги — инсон капиталини ҳар томонлама кўпайтириш ва ривожлантиришга қаратмоқда. Биргина мисол: ҳудудларда "Энг яхши ижтимоий бизнес ғоя" кўрик-танловларининг ўтказилаётгани партия нуфузини янада оширмоқда. Бундан ташқари, «Адолат» СДП Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, Белбоғли кураш федерациялари, "Мадад" суғурта агентлиги ва бошқа кўплаб ташкилот, идоралар билан ҳамкорликда фаолият олиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаш ўринли.

— Мен Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси аъзосиман, — дейди Қобилжон Сагатов. — Ўтган йиллар давомида партиямиз дастурий мақсад ва ғоялари тарғиботига бағишланган барча тадбирларда мунтазам иштирок этиб келаман. Сабаби, авваламбор, социал-демократия мафкураси узоқ ва бой тарихга эга. Иккинчидан, сиёсий нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон халқининг тафаккури, онги-шуури, удумлари, орзу-умидлари кўпроқ социал-демократия мафкурасига мос келади. Қолаверса, социал-демократия илгари сураётган асосий тамойил — Ижтимоий адолат ғоялари миллий ғоямиз мақсад ва манфаатларига ҳамоҳанг. Бир сўз билан айтганда, мен партия аъзоси сифатида социал-демократия ғоялари Ватанимиз тараққиёти учун хизмат қилишига тўла ишонаман.

«Адолат» СДП ўзининг ўн олти йиллик сиёсий фаолияти тарихида уй-жой-коммунал хизматларининг оптимал тариф ва қийматларига оид мукаммал қонун ҳужжатлари ишлаб чиқиш, аҳолига бепул тиббий хизмат кўрсатишни кафолатлайдиган қонунларни ҳаётга татбиқ этиш, давлат соғлиқни сақлаш секторини мустаҳкамлаш, фармакология хизматлари тармоғини шакллантириш каби кўпдан-кўп таклифлар билан чиқмоқда. Зеро, уларнинг барчаси — мазмунан, ҳам мантиқан ижтимоий-сиёсий моҳиятга эга бўлган муҳим муаммолар ечимига, яъни, аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Мухтасар айтганда, иқтисодий ривожланиш билан бирга ижтимоий юксалишга эришиш, одамларнинг ташвиш ва муаммолари ечимига кўмак бериш, юртимизда эркин, фаровон ва мустаҳкам ҳаёт барпо этиб, халқимиз учун муносиб турмуш даражасини яратиш — Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси талпинган ғоя ва танлаган йўлнинг ўзагини ташкил этади.

Илм-фан ва муҳандис-техник зиёлилар вакиллари, малакали ишчилар, педагоглар, шифокорлар, юқори малакали мутахассислар, Ўзбекистонни кучли, обрўли, ўзини ўзи таъминлай оладиган давлат сифатида кўришни, миллатлараро тотувлик ва ижтимоий адолат ҳукм сурадиган жамиятда яшашни истаётган фуқаролардан иборат электорат танлаган йўл ана шу аслида.

Ўтиб бораётган кунлар бизни истиқлолимизнинг 20 йиллик тўйига тобора яқинлаштирмоқда. Жамиятдаги жараёнларнинг иштирокчиси сифатида майдонга чиққан партия шу юрт истиқболи учун масъулиятни янада чуқур ҳис этган ҳолда ўз ғоя ва дастурларини амалга ошираверади.



# Таъзим!

## 6 миллион 800 минг тоннага яқин ғалла хирмони — фидокорона меҳнат самараси бу!

« Давоми. Боши 1-бетда

Мустақилликнинг 11 йиллигида эришилган рақамни кўз олдингизга келтиринг. Аҳоли томорқаларида етиштирилган ғаллани ҳам қўшиб ҳисоблаганда, 5 миллион тонна атрофида дон тайёрланди.

Бу рақамни таҳлил этиш учун ўн бир йил олдин ғалла таъминотида узилиш бўлиб, нақ очарчилик ёқасига келиб қолган давр билан солиштириб кўринг...

- 2004 йилда 5,5 миллион тонна атрофида..,
- 2005 йилда 5,8 миллион тоннадан ошиқроқ..,
- 2006 йилда 6 миллион 100 минг тонна..,
- 2007 йилда 6 миллион 150 минг тонна..,
- 2008 йилда 6 миллион 175 минг тонна..,
- 2009 йилда 6 миллион 610 минг тонна..,
- 2010 йилда 7 миллион 300 минг тонна...

Ушбу сатрлар битилаётган кезлар мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Мустақиллигимизнинг 20 йиллик буюк тарихий санасини нишонлаш тадориги кўрилаётган дамларда — яъни, 22 июль куни «Ўзбекистон ғаллакорларига» навбатдаги табригини йўллади:

«**Бугунги қувончли айёмда сиз, миришкор ғаллакорларимиз, илғор механизатор ва комбайнчиларимизни, мутахассис ва мутасаддилар, бу улкан зафарга муносиб ҳисса қўшган барча-барча инсонларни яна бир бор қизғин табриклаб, ўзимнинг юксак ҳурматим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман. Ўзининг олийжаноб, фидокорона меҳнати билан Ўзбекистонимизни янада обод ва фаровон қилаётган юртдошлармизга бутун халқимиз номидан таъзим қиламан**».

Қўлга киритилган бу ютуқда Андижон, Бухоро, Фарғона, Самарқанд, Тошкент вилоятлари ғаллакорларининг салмоқли улуши бўлди. Давлатимиз раҳбари юқорида тилга олган мазкур вилоятларда ҳосилдорлик ўртача 53-64 центнерни, Олтинкўл, Пахтаобод, Ромитан, Пешку, Тошлоқ, Қува, Иштихон, Пастдарғом, Оққўрғон, Денов, Сариосиё, Дўстлик, Хатирчи, Китоб, Учкўрғон, Боёвут туманларида бу кўрсаткич ўртача 60 центнердан ҳам юқори бўлгани ҳар қанча таҳсинга лойиқ.

***Қиёс:***

- 1991 йилда республикамизда атиги 940 минг тонна ғалла етиштирилиб, ҳосилдорлик бор-йўғи 17 центнерни ташкил қилган бўлса, орадан 20 йил ўтиб, тайёрланган дон маҳсулотининг умумий ҳажми 7 баробардан ошди. Ҳосилдорлик эса 3 каррага кўпайди. Бу — жуда улкан, тарихий ривожланиш!
- Йигирма йил олдин халқимизни боқиш учун ҳар йили 3,5-4 миллион тонна ғаллани четдан олиб келишга мажбур эдик. Бугун эса тайёрланаётган умумий ҳосилимизнинг фақат 37 фоизигина давлат олдидаги шартномани бажариш учун топширилмоқда. Қолгани, 55 фоиздан ортиғи фермер хўжаликларига, деҳқонларнинг омборларига тушмоқда.

***Изоҳ:*** Фермер хўжаликларига, деҳқонларнинг омборларига қолаётган дон ҳажмини улар гектар бошига олаётган ҳосилдорлик даражаси билан таҳлил қилинг: «**...Сариосиё туманидаги «Ҳайитали Боймуҳаммедов» фермер хўжалиги гектаридан 88 центнер, Ғиждувон туманидаги «Маржона Файз» фермер хўжалиги 80 центнер, Балиқчи туманидаги «Обиджон ота» фермер хўжалиги 76 центнер, Зангиота туманидаги «Шуҳрат Зиё» фермер хўжалиги 76 центнер, Учкўприк туманидаги «Ҳакимбой» фермер хўжалиги 75 центнер, Хатирчи туманидаги «Баҳриддин ота» фермер хўжалиги 74 центнердан ошириб ҳосил**» олдилар. (Давлатимиз раҳбари табригидан).

...Лафзи ҳалол, мард ва танти ғаллакорларимизга таъзим ила битаётган ушбу битигимни халқимизнинг суюкли шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг «Ўзбек нони» шеъридаги сўнгги сатрлар билан хотималашни жоиз билдим:

*...Юртим, буюклигинг билди кенг жаҳон,*
*Тўлди омборларинг ўз донинг билан.*
*Сийлайсан оламни ёзиб дастурхон,*
*Меҳнатдан яралган шу нонинг билан.*

*Сени ушбу кунда қутлайман, юртим,*
*Ризқингни бут қилди олтин хирмоним.*
*Ҳар иссиқ нонингни қуёшдай кўрдим,*
*Дунёга нон берган Ўзбекистоним.*

# Баркамол авлод тарбияси

## умуммиллий, умумдавлат миқёсидаги вазифа

« Давоми. Боши 1-бетда

Бугун кўз ўнгимизда содир бўлаётган ҳодисаларнинг ўзи ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатидан сабоқ чиқаришга ундайди. Бу аччиқ ҳақиқат шундан иборатки, катта давлатлар ўртасида дунёни, улкан табиий ресурсларга бой ўлкаларни тақсимлаш «ўйин»лари тинганича йўқ. Ҳар бир тўнтариш, ҳар бир низо ва можаро ортида у ёки бу давлатни мутеликка қайтариш интилиши ётганини мутахассислар бежиз таъкидламаяптилар. Энг ёмони, ёш мустақил давлатларни танлаб олган тараққиёт йўлидан, орзу-мақсадларига эришиш, янги жамият қуриш йўлидан қайтармоқчи бўлса, аввало, мустақил дунёқараши шаклланиб улгурмаган ёшларнинг қалби ва онгининг мўртлигидан фойдаланишга, уларнинг маънавиятини бузиш, муайян халқларнинг табиатига, урф-одатлари, қадриятларига бегона ғоялар билан чалғитиб, ўзининг ғаразли ниятларини амалга ошириш йўлида қурол қилиб олишга уринаётганини сезиш учун катта сиёсатчи бўлиш шарт эмас. Европа мамлакатларида мухожирликка қарши руҳдаги иркчи ва миллатчи ёшлар ҳаракатининг урчиб бораётгани, улар дастидан катта ёшлиларнинг кўчаларга чиқишга қўрқиб қолгани, Шарқ мамлакатлари ёшлари ҳаётига фахш, зўравонлик, номуссизлик, андишасизлик каби ёт қусурларнинг кириб келаётгани баркамол авлод тарбиясига эътиборни ҳар қачонгидан кўра кучайтиришни талаб этади.

Ўзбекистонда шахс эркинлиги, инсон ҳуқуқларининг муҳофазаси ва кафолати, эътиқод, меҳнат ва касбни эркин танлаш ҳуқуқи, таълим олиш, ижтимоий муҳофаза ва бошқа имкониятлар қонунлар билан кафолатланган. Бугунги қийин ва зиддиятли бир пайтда, мамлакатимиз сарҳадига яқин жойларда урушлар рўй бериб, қон тўкилиб турган бир вазиятда Ўзбекистонда тинчлик ва барқарорлик таъминланиб, инсон учун энг олий неъмат — яшаш ва осойишта ҳаёт кечириш ҳуқуқи тўла кафолатланган.

Дунё давлатлари тажрибасида ҳар йили таълим учун сарфланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 3-5 фоизидан ошмаётган бир паллада, Ўзбекистонда бу кўрсаткичнинг 10-12 фоизни ташкил этаётгани Юртимизда ўниб ўсиб келаётган ёш авлодга эътибор юксаклигидан, уларнинг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб вояга етишлари, замонавий билимларни эгаллаб, ўзлари хоҳлаган соҳада касб танлаб она Ватанига, халқига содиқ инсонлар бўлиб, юрт тинчлиги, мамлакат равнақи йўлида астойдил меҳнат қилишлари учун яратилган улкан имкониятлардан далолатдир.

Давлатимиз хавфсизлигини таъминлашнинг асоси — мамлакатимиз ёшлари. Ёшлар — бизнинг таянчимиз, эртанги кундан умидимиз, савоб ишларимизнинг давомчилари деб кўп гапирамиз. Нафақат хавфсизлигимиз, шу билан бирга юрт тинчлиги, ватан тараққиёти ва халқ фаровонлиги ғоясининг амалга ошиши, давлатимизнинг келажакда барқарор бўлиши ҳам ёшларимиз қандай шаклланишига бевосита боғлиқ. Иморатнинг мустаҳкамлиги уйнинг пойдеворига боғлиқ. Пойдевор қанчалик бақувват бўлса, иморат ҳам шунчалик умрбоқий туради. Заиф пойдевор устига қурилган ҳар қандай муҳташам бино ҳам бир марта бўрон турса бас, ўша заҳоти қулаб тушади.

Мамлакатимиз пойдевори эса шубҳасиз, аҳолисининг 60 фоиздан кўпроғини ташкил этган ёшлардир. Дунёда биринчи бўлиб Соғлом авлод орденининг таъсис этилгани, шу номда махсус халқаро жамғарма тузилгани, Президентимизнинг 2002 йил 24 октябрида имзолаган «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш Жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом, баркамол авлодни тарбиялашдаги муҳим қадамлардан бўлди.

Пахта майдонларини камайтириш ҳисобига шахсий ёрдамчи хўжаликларни ва деҳқон (фермер) хўжаликларини янада ривожлантириш сиёсати ҳам аслида қишлоқлардаги оилаларнинг моддий аҳволини яхшилаш, униб келаётган авлоднинг илигини мустаҳкамлашга қаратилганлигини бир ёдга олайлик.

Ёдингизда бўлса, 1989 йилдаёқ Президентимиз қарори билан 720 минг гектарга яқин унумдор ерлар деҳқонларга муддатсиз шахсий фойдаланиш учун топширилди. 1991 йилда эса бу ерларнинг умумий майдони икки баравар кўпайди. Бир қатор вилоятларда ҳар бир оиланинг томорқаси 0,25 гектардан ошиб кетди. Бу республикадаги ҳосилдор ернинг қарийб 20 фоизи демакдир. Айни қарор одатда 5-7 нафардан фарзанди бўлган қишлоқ оилаларига озиқ-овқат ва моддий муаммоларни ечишда сезиларли даражада ёрдам берди.

Қишлоқ аҳолисининг даромадлари кўпайди. Якка тартибда уй қуриш кўламларини кенгайтириш ҳисобига уй-жой муаммосини ечишда катта силжиш бўлди. Буларнинг барчаси бозор муносабатлари вужудга келаётган мураккаб даврда катта мадад, барқарорлаштирувчи омил вазифасини ўтади.

Сайёрамизда манфаат ва бойлик илинжида олиб борилаётган маҳаллий ва ички урушлар, этник қирғинлар, очарчилик ҳамда молиявий ва иқтисодий инқирозлар сабаб юзага келган қийинчиликлар оқибатида ҳалок бўлаётган болалар сонининг ортиб бораётгани, 2006 йилдан бошлаб йилига дунёда 10 миллионга яқин бола ҳаётдан бевақт кўз юмаётгани барча балолар ортида қашшоқлик, очлик, тўйиб овқат емаслик, санитария ва тиббий хизмат сифатининг пастлиги, ижтимоий тенгсизлик сабаб эканига гувоҳ бўламиз.

Ваҳоланки, «қизил империя»дан мустақил Ўзбекистонга ҳам улкан ва оғир муаммолар мерос бўлиб ўтганини бир дақиқа бўлсин ёддан чиқармаслик керак. Бизга эски тузумдан пахта яккаҳокимлиги, заҳарли дорилар билан қопланган далалар, қишлоқлардаги ачинарли аҳвол, мураккаб демографик вазият, уюшган жиноятчилик, Орол муаммоси каби экологик офатлар оғир мерос бўлиб қолган эди. Айниқса, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш, ички сиёсий вазиятни барқарор ушлаб туриш, ташқи сиёсат ишларини ташкил этиш, миллий валюта жорий этилгунга қадар бўлган молиявий муаммолар сингари ҳаёт-мамотимизни ҳал қиладиган масалалар ғоят катта куч, маблағ, энг муҳими, вақт сарфлаганини таъкидламаса бўлмайди.

Шукрки, олиб борилган оқилона ички ва ташқи сиёсат, мамлакатни демократлаштириш бўйича танлаб олинган моделнинг ҳаётийлиги туфайли ана шу оғир машаққатларни ижтимоий ларзаларсиз енгиб ўтишга эришдик. Бугун тараққиётнинг «ўзбек модели» деган ҳақиқатни кенг жамоатчилик ва халқаро ҳамжамият эътироф этмоқда.

Шундай мураккаб ва кескин муаммолар билан банд бўлганимизга қарамасдан, истиқлолнинг илк кунлариданоқ маънавият, таълим-тарбия соҳасига жиддий эътибор берилгани ҳеч кимга сир эмас. Шу боис уларни бирма-бир санаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Биргина Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқди. Эътибор беринг, Ўзбекистонда 28 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Аҳолининг йиллик кўпайиши 300-400 минг нафарни ташкил этади. Европа ва Россияда туғилиш кескин камайиб бормоқда, буни экспертлар шу юрт фуқароларининг қариб бораётгани билан изоҳламоқдалар...

Ана шундай бир вазиятда Ўзбекистонимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, Инқирозга қарши чоралар дастурининг изчил ижроси туфайли ҳам ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш имконияти беқиёс кенгайди.

Албатта, соғлом авлод тарбияси осон иш эмас. У ҳар бир инсон, ҳар бир оила, ҳар бир сиёсий партия ва ҳаракатдан, бутун жамиятдан жиддий эътибор ва узлуксиз меҳнат талаб қилади. Айниқса, бугунги кунда — мафкуравий курашлар гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона тус олган ҳозирги нозик, қалтис шароитда бу ниҳоятда долзарб масала.

Агар маънан ва руҳан соғлом, оқни қорадан, яхшини ёмондан ажрата биладиган, бу мураккаб ҳаётнинг пасту баланд кўчаларидан тўғри йўлни адашмай топа олишга қодир бўлган баркамол авлодни тарбиялаб етиштириш вазифаси уддаланса, фикри тиниқ, эътиқоди соғлом болаларни сохта оқимларга эргаштириш, пана-пастқамларда писиб юрган ҳар хил чаласавод, жоҳил одамларнинг тузоғига илинтириш уринишларига тубдан чек қўйилади.

Шу нуқтаи назардан Президентимизнинг юртимизнинг қиёфасини тубдан ўзгартиришга муносиб ҳисса қўшаётган, ўзининг самарали меҳнати, илм-фан, ижод ва санъатда қўлга киритаётган ютуқлари билан бошқаларга ибрат бўлаётган, Ватанимиз ҳимояси, сарҳадларимиз дахлсизлиги, юрт тинчлигини таъминлашда жонини ҳам аямайдиган замонамиз қаҳрамонлари образини яратиш вазифасини қўяётганлиги диққатга сазовордир. Хоҳ фермер, хоҳ ҳарбий хизматчи, хоҳ ишчи, хоҳ спортчи бўлсин — улар билан нафақат бевосита учрашувларда, балки китоб орқали, саҳна орқали мулоқотда ҳам ёшлар ўзига катта маънавий озуқа олиши шубҳасиз.

# Ҳисоботлар тизимидаги янгилик

## тадбиркор юмушини осонлаштиришга хизмат қилмоқда

**2011 — КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ**

**Жамшид МАМАРАЖАБОВ,**
Мирзо Улуғбек тумани ДСИ «Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг» шўъбаси бошлиғи.

Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги нишонланадиган йил мамлакатимизда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан соҳа вакилларига давлатимиз томонидан ҳар томонлама кенг имкониятлар яратиб берилмокда. Бу эса ушбу соҳани янада қўллаб-қувватлаш йўлидаги катта ғамхўрликдир. Қабул қилинган Давлат дастурига кўра республикамизнинг барча вилоят ва туманларида бўлгани сингари пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани давлат солиқ инспекцияси жамоаси ҳам йил бошиданоқ амалга ошириладиган комплекс чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Жамоа энг аввало, ишни Дастурнинг мазмун ва моҳиятини тадбиркорлик субъектларига етказиш учун семинарлар, амалий учрашувлар, бевосита мулоқотлар ўтказишдан бошлади. Февраль — июнь ойлари ичида 10 та семинар ташкил этилиб, уларда 2118 нафар тадбиркорлик субъектлари иштирок этдилар.

Бундан ташқари ҳар ҳафтанинг жума куни туман ҳокимлигида ва назорат органларида тадбиркорлар билан «Очиқ эшиклар куни» учрашувлари бўлиб турибди. Уларда фуқаролар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олиш билан бирга мутахассисларга ўз таклифларини ҳам билдирадилар. Натижада, айрим муаммолар жойида ҳал бўлиб, мурожаат этувчиларга қатор амалий ёрдамлар кўрсатилмоқда. Масалан, «ФОТОН» ОАЖ ишлаб чиқариш бирлашмасидан пул ўтказиш йўли билан назорат касса машинаси ололмаётган 10 та корхона илтимосига кўра ДСИ ходимлари бирлашмага чиқишди ва 10 та субъект назорат касса машиналари билан, 107 та субъект эса ўзларига хизмат кўрсатувчи банклар томонидан хисоб-китоб терминаллари билан таъминланди.

Эътиборли жиҳати, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларга дастлабки амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида туман ҳокимиятида «Ягона ойна (дарча) маркази» тарзида «Тадбиркорлик уйи» ташкил этилди. Бу ерда ҳокимият, солиқ, банк, ёнғин хавфсизлиги, кадастр, архитектура, электрэнергия ва бошқа соҳа вакиллари билан ҳамкорликда тадбиркорлик субъектлари вакилларига ҳуқуқий маслаҳатлар ва амалий кўмак бериб борилаяпти.

Яна бир янгилик — тадбиркорлик субъектларида солиқ текшируви ўтказилаётган вақтда уларнинг фаолиятларига таъсир кўрсатмаслик, муаммоларга жойида ечим топиш, камчиликларни эса профилактика йўли билан ҳал этиш борасида 84 нафар ходимнинг билим ва савиясини ошириш бўйича касбий-маънавий ўқишлар ўтказилди. Шунингдек, ҳисоботларни топшириш механизмини такомиллаштириш ва уларга қулайлик яратиш мақсадида жорий этилган «Электрон ҳисобот» тизими туманда муваффақиятли иш олиб бормоқда. Жумладан, биргина жорий йилнинг биринчи чорагида 1222 та хўжалик юритувчи субъектдан 4096 та ҳисоботлар электрон тарзда қабул килинди.

Бугун шуни мамнуният билан айтиш мумкин, қарор чиққандан буён туманимиз корхоналарида ишлаб чиқариш ҳажми ошиб, тайёрланаётган ва реализация қилинаётган маҳсулотлар сифати ҳамда хизмат кўрсатиш жараёнлари сифати замонавий талаблар даражасида бўлиши таъминланди.

# «Очиқ эшиклар куни»

## ўзаро тажриба алмашиш имкониятини кенгайтирмоқда

**Ўктам БОЗОРБОЕВ,**
Яккасарой тумани ДСИ инспектори.

Пойтахтимиздаги Яккасарой тумани аҳолиси орасида тадбиркорлик билан шуғулланувчиларнинг сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу эса мамлакатимизда соҳа ривожи учун яратилаётган қулай шарт-шароит, кенг имкониятлардан халқимиз унумли фойдаланаётганлигидан далолатдир. Бунда албатта, туман ҳокимлиги ҳамда назорат органларининг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган ойлари давомида улар томонидан 22 маротаба "Очиқ эшиклар куни" ташкил қилинди. Тадбирларда тумандаги 400 тага яқин тадбиркорлик субъектларининг иштироки таъминланди.

Очиқ эшиклар кунининг аҳамиятли томони шунда бўлдики, хусусий тадбиркорларнинг 80 га яқин турли муаммолари ўрганиб чиқилиб, ижобий ечим топди. Биргина июнь ойида 9 марта ана шундай тадбир ташкил қилинди. 170 га яқин тадбиркорлар иштирок этиб, ўзаро иш тажриба алмашишларига ҳам имкониятлар яратилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан ташкил қилинаётган бу каби тадбирларда мамлакатимизда тадбиркорлик ривожи учун яратилаётган шарт-шароитлар, ҳуқуқий механизмлар, янгиликлар ҳақида батафсил маълумотлар бериб борилмоқда. Яна бир этиборли жиҳати шундаки, ушбу масалалар юзасидан тайёрланган қўлланмалар иштирокчиларга тарқатилмоқда.

Мухтасар айтганда, Яккасарой тумани ҳокимлиги маъмурий биносида ташкил қилинаётган "Очиқ эшиклар куни" тадбиркорлар учун ўзаро тажриба алмашиш имкониятини кенгайтирмоқда.

# Қалтис йўл

**Долзарб мавзу**

**Тошпўлат МАТИБАЕВ,**
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати.

**Сув масаласи XXI асрнинг энг ўткир, ўта оғриқли ва таъбир жоиз бўлса, ҳаёт-мамот масаласига айланиб қолганига шубҳа йўқ. Кўзга кўринган йирик давлат арбоблари, соҳанинг етук мутахассис ва экспертлари эътироф этаётганларидек, XXI асрга келиб оби-ҳаёт энергетик захиралар, яъни нефть ва газдан ҳам кўра муҳим стратегик ресурсга айланиб қолди. Айниқса, трансчегаравий дарёлар (халқаро нормаларга биноан икки ва ундан кўпроқ мамлакатлар ҳудудидан оқиб ўтадиган дарёлар трансчегаравий дарёлар деб аталади) бўйида халқаро ҳуқуқий меъёрлар талабларига зид тарзда холис халқаро экспертларнинг хулосаларисиз гидроиншоотлар қуриш сайёрамиз тинчлиги ва барқарорлигига хавф солаётганидан кўз юмиб бўлмайди.**

Кейинги пайтларда, айниқса, сайёрамизнинг Осиё ва Африка ҳамда Лотин Америкаси минтақаларида трансчегаравий дарёлардан адолатли ва оқилона фойдаланиш муаммоси ана шу дарёлар бўйларида янги гидроэнергетик иншоотлар қуриш бўйича лойиҳаларнинг юзага келиши оқибатида янада долзарб аҳамият касб эта бошлади. БМТ маълумотларига қараганда, бугун дунё бўйлаб 260 дан ортиқ трансчегаравий дарёлар бўлиб, уларнинг 70 таси Европада, 53 таси Осиё, 39 таси Шимолий ва Марказий Америкада, 38 таси Жанубий Америкада ва, ниҳоят, 60 таси Африкада жойлашган. Яна ҳам эътиборлиси — уларнинг 155 таси икки мамлакат ўртасида, 100 дан ортиқроғи уч ёки ундан кўпроқ давлатлар ўртасида тақсимланган. Трансчегаравий ҳавзалар Ер юзасининг 45,3 фоизини қамраб олади. Бундай ҳудудларда сайёрамиз аҳолисининг қарийб 40 фоизи истиқомат қилиб, дунёдаги дарёлар оқимининг 80 фоизи мазкур минтақалардан ўтади.

Соҳа экспертларининг хулосаларига кўра, сўнгги 50 йил мобайнида чучук сувга бўлган эҳтиёж уч баробар ортгани ҳолда экин майдонлари икки баробар кенгайгани асримизнинг ичимлик сув билан боғлиқ муаммолари тобора чуқурлашиб бораётгани ва ҳақиқатан ҳам унинг стратегик ресурсга айланаётганини кўрсатмоқда.

Марказий Осиёнинг 60 миллионга яқин аҳолисининг сувга бўлган талабини қондириб келаётган Амударё ва Сирдарёнинг сув захиралари ҳам минтақа давлатлари иқтисодиётини, энг аввало, ҳудуд аграр тизимининг аҳволини белгиловчи асосий мезон бўлиб келган.

Аммо кейинги пайтларда дарёнинг юқори қисмида жойлашган Тожикистоннинг қўшни мамлакатлар манфаатини инобатга олмай, гидроэнергетик лойиҳаларни амалга ошириш режалари улкан экологик фалокатларни келтириб чиқариши мумкинлиги ҳақидаги мулоҳазаларга сабаб бўлмоқда. Юртбошимиз таъкидлаганидек, бундай қалтис ҳаракатлар Сирдарё ва Амударёнинг қуйи қисмларидаги сув таъминоти билан боғлиқ вазиятни оғирлаштириши, шундоқ ҳам қуриб бораётган Оролнинг экологик ҳалокатини тезлаштириши, бу ҳудудда истиқомат қилаётган Қозоғистон, Туркманистон ва Ўзбекистоннинг ўн миллионлаб фуқаролари турмуш тарзига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Ҳар қандай мамлакат ўз эҳтиёжи ва миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда объектлар қуришга, ўз аҳолисининг турмуш тарзини яхшилаш ёки ҳудуд иқтисодиётини ривожлантиришга ҳақлидир. Аммо ҳуқуқий нуқтаи назардан Роғун ГЭСининг қурилиши халқаро меъёрларнинг қўпол бузилишидир. Чунки, трансчегаравий сув оқимидан фойдаланиш режимини ўзгартириш билан боғлиқ ҳар қандай қурилиш ушбу дарё ўз ҳудудидан оқиб ўтадиган қўшни давлатларнинг розилиги билангина амалга оширилиши керак. Бугун Ўзбекистон бутун минтақа учун фожиали якунланиши мумкин бўлган лойиҳани амалга оширишга розилик бермаслик учун етарли даражада ҳуқуқий асос ва далилларга эга. Бироқ Тожикистон ҳукумати гўёки мустақил халқаро экспертиза ўтказилганини даъво қилиб, Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳасини амалга ошириш мақсадига қаратилган ўзининг бирёқлама далил-исботларини келтиришга уринмоқда.

Бор кучи билан мустақил халқаро экспертиза ўтказилишига қарши бўлиб келган расмий Душанбенинг тўсатдан ушбу лойиҳанинг асослилиги юзасидан экспертиза ўтказишнинг буюртмачисига айланиб қолгани ажабланарли, албатта. Бунинг учун Жаҳон банки Тожикистон ҳукуматига грант тариқасида 15 миллион АҚШ долларини деярли беғараз ажратгани холис, адолатли ва мустақил экспертиза ўтказилмаслигига ойдинлик киритди. Шубҳасиз, Ўзбекистон томони халқаро экспертиза ўтказишга оид бундай бирёқлама ёндашув билан ҳеч қачон муроса қила олмайди.

Тожикистон матбуоти ва ҳукумати бу борада қатъий позицияда турган Ўзбекистонни қаршилик кўрсатишда асоссиз айблашга уринмоқда. Ваҳоланки, бу борада бизни нафақат халқаро молиявий муассасалар, балки Европа Иттифоқи ва Россия Федерацияси ҳам қўллаб-қувватлаётганини таъкидлашга ҳожат бўлмаса керак. Шу сабабли бу ерда гап нафақат Амударё ва Сирдарёнинг қуйи қисмида жойлашган мамлакатлар нуқтаи назари ҳақида, балки амалда бутун жаҳон жамоатчилигининг фикри ҳақида бормоқда.

Афсуски, ўз фикрини маъқуллашдан нарига ўтмаётган Тожикистон ҳаракатлари, кузатувчилар эътироф этаётганларидек, бир неча сабабларга кўра оғир оқибатларга олиб келади. Биринчидан, минтақадаги сув тақчиллиги муаммоси янада кескинлашиши, оқибатда экология ва қишлоқ хўжалигига миллиардлаб АҚШ долларли миқдорида зарар етказади. Иккинчидан, сув миқдори камайиб, тақчиллиги ортиб бораётган бир пайтда янги тўғонларни қуриш, жиддий ўрганиб чиқмасдан туриб улардан энергетика мақсадларида фойдаланиш сув баланси ҳамда барқарор ривожланиш борасида ўта салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Учинчидан, Роғун ГЭСи ер кўчкилари тез-тез содир бўлиб турадиган ва сейсмик жиҳатдан ўта хавфли зонада жойлашган. Бундан ҳам ачинарлиси, Роғун тўғони остида тош тузига тўлган Ёнахш тектоник ёриғи мавжудлигини ёддан чиқармаслик лозим.

Шу ўринда кейинги 10 йил мобайнида ер ости силкинишларининг 30 фоизга фаоллашганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Ваҳоланки, дунёдаги энг юқори, энг катта, энг замонавий технология билан жиҳозланган ва хавфсизлиги жиҳатидан нодир деб кўкларга кўтарилган Саяно-Шушенск ГЭСининг қандай хунук оқибатлар келтириб чиқарганига ҳаммамиз гувоҳ бўлдик.

Аслида, Тожикистоннинг бундай мақсади замирида нималар яширингани яққол кўриниб турибди. Масалан, лойиҳа йилига 13 миллиард кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқариш ҳисобига мамлакатнинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини қоплабгина қолмай, ҳатто қўшни давлатларга сотиш имконини ҳам беради. Бу билан Душанбе моддий манфаатдорликни ўйлаб, лойиҳанинг хатарли оқибатларини хаёлига ҳам келтирмаяпти.

Дарҳақиқат, Роғун ГЭСи қуриш орқали Душанбе Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ, Эрон, Афғонистонни сиёсий жиҳатдан «тиз чўктириш» имкониятини берувчи қуролга эга бўлмоқчилигини таъкидлаётган экспертлар ҳам йўқ эмас. Аммо Тожикистон ҳукумати вакиллари ана шундай гидроиншоот қурилса, ер ости сизот сувларининг кўтарилиши натижасида минглаб гектар майдондаги экин экиш учун яроқли ерлар яроқсиз ҳолга келиб, минтақа халқлари учун жиддий хавф туғдиришини хаёлларига ҳам келтирмаяптилар.

Шу ўринда Амударё чегара бўйлаб оқадиган дарёлар мақомида эканини ҳам унутмаслик керак. Бу ҳолатда халқаро келишувларга кўра, дарёни бир давлат ўзича тасарруф қилишга ҳақли эмас. Дарёнинг юқори қисмида жойлашган Тожикистон дарё сувларини истеъмол қилиши мумкин, аммо халқаро меъёрларга асосан сувни тўсиб қўйиши асло мумкин эмас.

Бироқ, Тожикистон минтақа халқлари учун табиий ва техноген хусусиятга эга, экологик ҳалокат келтириб чиқариши мумкинлиги очиқ-ойдин кўриниб турган ҳақиқатни мутлақо рад этмоқда. Иддао — энергетик мустақилликни қўлга киритиш. Агар Тожикистон чиндан ҳам энергетик муҳтожликни бартараф этмоқчи бўлса, нега аҳолиси унчалар кўп бўлмаган давлат қуёш энергиясидан ва кичик қувватли гидроэнергетик қурилмалардан фойдаланишга ўтмаяпти? Экспертларнинг фикрича, ҳудудда йирик ГЭСларга нисбатан кичик ҳажмдаги, масалан, 10 мВт қувватли гидроэнергетикани ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Биргина Хитойнинг ўзида ана шундай қурилмалардан 60 мингтаси фаолият кўрсатаётгани бунинг яққол исботи эмасми? Аммо...

Албатта, бундай лойиҳанинг сув таъминоти билан боғлиқ вазиятни янада оғирлаштириши масаланинг бир жиҳати, холос. Зеро, унинг ҳудуд экологиясига, шундоқ ҳам фожиали аҳволга тушиб қолган Оролга таъсири қандай бўлади? Ахир Тожикистонда ҳам экологик муаммолар туфайли болалар ва аёллар ўлими кўпайиб бораётганини инкор этиш мумкинми?

Бу каби объектларни қуришни тартибга соладиган қатъий халқаро нормалар мавжуд бўлсада, улар Тожикистон томонидан инкор этилмоқда. Бунда гап, Трансчегара сув оқимлари ва халқаро кўлларни ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги конвенция (Хельсинки, 1992 йил 17 март), Кема юрмайдиган халқаро сув оқимларидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги конвенция (Нью-Йорк, 1997 йил 21 май) ва бошқа кўплаб ҳужжатлар ҳақида бормоқда. Аммо ўзга давлатлар ва халқлар манфаатларини очиқдан-очиқ рад этган ҳолда, ўз миллий манфаатларини ҳимоя қилишдан бошқа ҳақиқатни тушунишни истамаётган ва ўз иқтисодиётини қутқаришнинг чораси сифатида йирик ГЭС лойиҳаларига ёпишиб олган мазкур республика бу лойиҳаларни кўпроқ қарз олиш ҳамда ташқи инвесторлар ёрдамига тинимсиз кўз тиккан ҳолда, ярим кўлбола усулда амалга оширишни ўжарлик билан талаб қилмоқда.

Аммо ушбу минтақада жойлашган барча мамлакатлар ва халқлар манфаати йўлида сув-энергетика ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш масалалари ғоят нозик мавзу эканини, бинобарин, бу борада бирёқлама ёндашувга асло йўл қўйиб бўлмаслигини такрор ва такрор таъкидлашга тўғри келади.

Бу борада юксак масъулият, масалага чуқур ўйлаб, оғир-вазминлик билан ёндашиш, халқаро ҳуқуқни ҳурмат қилиш ва ўзаро мақбул оқилона, муроса йўлини излаш ижобий самара беради.

Акс ҳолда Юртбошимиз 2009 йил 28 апрель куни Олмаота шаҳрида Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатларининг форумида таъкидлаганидек, мамлакатларимиз, халқларимиз манфаатлари бир четда қолиб, учинчи кучларнинг стратегик ҳамда геосиёсий манфаат ва мақсадлари, минтақани бошқариш билан боғлиқ масалалар олдинга чиқиб қолиши мумкин. Бундай хавф-хатардан огоҳ бўлиб, халқаро ҳуқуқий меъёрлар доирасида оқилона хулоса чиқариш минтақа давлатларининг ҳам, халқларининг ҳам манфаатларига бирдек мос келиши айни ҳақиқат.

**Пойтахтимиздаги “Le Grande Plaza” меҳмонхонасида жорий йилнинг 25-30 август кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган “Шарқ тароналари” VIII халқаро мусиқа фестивалига тайёргарликнинг боришига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.**



**“Шарқ тароналари”**

**Ирода ҒАНИЕВА.**

# Шарқона оҳанглар жилоси

Маданият ва санъат намоёндалари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий дипломатик корпус вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этган брифингда Юртбошимиз раҳнамолигида юртимизда миллий маданиятимиз ютуқларини халқаро миқёсида кенг тарғиб этиш, санъат орқали турли миллат ва элатлар ўртасидаги дўстлик ришталарини тобора мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият қаратилаётгани таъкидланди.

Президентимиз ташаббуси билан 1997 йилда ташкил этилган I “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалида 31 давлатдан вакиллар қатнашганди. Жорий йилда мазкур нуфузли фестивалда 62 мамлакат санъат усталари иштирок этиш истагини билдирган. Хусусан, бугунги кунга келиб дунёнинг 50 дан зиёд давлатидан бадиий жамоалар, миллий мусиқа ва санъат ижрочилари иштирок этиш учун тегишли ҳужжатларни тақдим этишган. Улар орасида илк бора Буркина-Фасо, Бруней, Гамбия, Мадагаскар, Ирландия, Норвегия, Чехия, Куба, Сенегал, Хорватия мамлакатларидан ҳам вакиллар қатнашади.

— Халқаро фестивални юксак савияда ўтказиш учун барча тайёргарликлар кўрилмоқда, — деди Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири Т.Қўзиев. — Самарқанд шаҳрининг Регистон майдонида янги амфитеатр ва томоша майдони тайёр ҳолатга келтирилди. Ушбу байрам миллий мусиқа санъатимиз дурдоналарини кенг тарғиб этиш, унинг ўзига хос анъаналарини янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Қайд этиш лозимки, фестивал доирасида “Шарқ халқлари маданиятини ўрганишда манбаларнинг ўрни” мавзуида халқаро конференция ўтказилади.

Тадбирда сўзга чиққанлар фестиваль мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллик улуғ байрами арафасида ўтаётганлиги унга янада катта руҳ, маъно-мазмун бахш этаётганини алоҳида эътироф этишди.

Шунингдек, фестивални энг яхши ёритган журналистлар учун ҳам махсус соврин жорий этилган.

# Ҳамиша бор бўлсин, шундай юрт!

**Таассурот**

**Гулнора АҲМЕДОВА,**
*Марғилон шаҳри.*

**Яқинда онам билан Тошкентда яшайдиган қариндошимизникига меҳмон бўлиб келдик. Истиқлол йилларида деярли қайта қурилган, чиройига чирой қўшилган, дунёнинг гўзал пойтахтларидан бирига айланган шаҳарни томоша қилиш нақадар завқли. Унинг мафтункор кўчалари, истироҳат боғлари, гулзору хиёбонлари, замонавий бинолари кўнгилда ажиб туйғулар уйғотади.**



Менда, айниқса, мустақиллик майдони кучли таассурот қолдирди. Муҳтарам Юртбошимизнинг ташаббуси билан бутунлай қайта қурилган, янгича маъно-мазмун касб этган, халқимизнинг сахий қалби, очиқ кўнгли ва ёруғ истакларини ўзида мужассам этган бу майдонда сайр қилиб юрган нуроний отахон ва онахонларни, турмуш қураётган бахтли тенгдошларимни кўриб, шундай тинч-тотув заминда яшаётганимдан, шу азиз ва муқаддас Ватанимизга фарзандлигимдан ғурурландим.

Тошкентлик дугонам билан талабалар шаҳарчасини томоша қилдик. Шаҳар ичидаги шаҳар деса арзигулик. Бундай шароитда илм чўққиларини сабр-бардош билан эгаллаш, мустақил Ватанимизга, халқимизга сидқидилдан хизмат қилиш, бойликларига бойлик қўшиш биз ёшларнинг энг буюк мақсадимиз бўлиши керак.

Ушбу сатрларни ёзаётганимнинг боиси — мезбон дугонам билан шаҳар айланиб юрганимизда қизиқ воқеалар ҳам юз берди. Бир-икки жойда дугонам йўлни адаштириб қўйди. “Тошкентда яшасангиз ҳам, адашдингиз-а" десам, у кулиб: “Э, дугонажон, “Ҳали сиз ҳам адашасиз, ҳар куни янги йўл ишга тушади, янги иморат қад ростлайди, янги хиёбон чирой очади, беш-ўн кун кўчага чиқмаган одам, албатта, адашади", деди.

Дугонам тўғри айтди. Истиқлол йиллари бунёд этилган иншоотларни, замонавий турар-жой биноларини, маданият саройлари, спорт-соғломлаштириш мажмуаларини санаб саноғига етиш қийин. Биргина бизнинг Марғилон шаҳрида юз берган ўзгаришларнинг ўзи оламга татигулик.

Шундай юрт ҳамиша бор бўлсин!

Ҳурматли юртдошлар!

ASAKA BANK

“Асака” банк (ОАЖ)

Сизларни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллик байрами билан табриклайди ҳамда янги муддатли омонат турини таклиф этади.

*Миллий валютадаги омонат.*

«ИСТИҚЛОЛ»

Сақланиш муддати — 7 ой, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат ёпилганда берилади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар:
120-39-81, 120-39-60, 120-39-63

«Асака» банки (ОАЖ) сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.

БАРЧА ЖАМҒАРМАНГИЗ ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.

СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

| Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 8 371 | 120-83-13 |
| Автотранспорт филиали | 8 371 | 120-39-95 |
| Шайхонтоҳур филиали | 8 371 | 140-39-36 |
| Юнусобод филиали | 8 371 | 225-16-46 |
| Сирғали филиали | 8 371 | 258-67-49 |
| Тошкент вилоят филиали | 8 371 | 120-84-13 |
| Андижон вилоят филиали | 8 374 | 224-40-96 |
| Асака филиали | 8 374 | 233-13-69 |
| Фарҳод филиали | 8 374 | 229-97-53 |
| Фарғона вилоят филиали | 8 373 | 224-70-83 |
| Марғилон филиали | 8 373 | 237-12-37 |
| Олтиариқ филиали | 8 373 | 432-10-11 |
| Қўқон филиали | 8 373 | 552-61-04 |
| Наманган вилоят филиали | 8 369 | 226-94-75 |
| Навоий вилоят филиали | 8 436 | 223-54-32 |
| Зарафшон филиали | 8 436 | 573-18-78 |
| Бухоро вилоят филиали | 8 365 | 223-71-94 |
| Бухоро шаҳар филиали | 8 365 | 770-11-27 |
| Самарқанд вилоят филиали | 8 366 | 231-08-86 |
| Афросиёб филиали | 8 366 | 234-17-96 |
| Қашқадарё вилоят филиали | 8 375 | 221-12-93 |
| Сурхондарё вилоят филиали | 8 376 | 770-82-12 |
| Қорақалпоғистон филиали | 8 361 | 223-72-47 |
| Хоразм вилоят филиали | 8 362 | 226-97-78 |
| Сирдарё вилоят филиали | 8 367 | 225-44-03 |
| Жиззах вилоят филиали | 8 372 | 226-43-11 |

Хизматлар лицензияланган!

**ADOLAT**
ижтимоий-сиёсий газета
**Муассис:** Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

**Бош муҳаррир:** Худоёр МАМАТОВ
**Бош муҳаррир биринчи ўринбосари:** Абдували СОЙИБНАЗАРОВ *(Нашр учун масъул)*

**Бўлимлар:** Партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — *236-57-14*; Маданият, ахборот, спорт ҳамда хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — *236-54-39*;
**Телефонлар:** қабулхона — *236-53-14*; *233-40-86* (факс); котибият — *233-41-89*.
**Навбатчи муҳаррир** — Фарҳод ЭСОНОВ.
**Навбатчи** — Ғулом ХИДИРОВ.

**Таҳрир ҳайъати:** Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Иқбол МИРЗО, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖЎРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ, Муҳаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Равшан ҲАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МЎМИНОВ.

«Adolat»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

*Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.*

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2091-5217

**Таҳририят манзили:** *100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.*
**adolat_gazeta @mail.ru**

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г— 700. Ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 4108.
Босишга топшириш вақти — 21.00 Босишга топширилди — 21.05

1 2 4 5